

**THE ROLE OF INTEGRATION OF THEORY AND PRACTICE  
IN THE TRAINING OF QUALIFIED PERSONNEL IN THE SYSTEM OF  
PROFESSIONAL EDUCATION**

**Feruz Hasanovich Gaffarov**

Doctoral student of the Institute of Pedagogical Innovations, Vocational Education Management and Retraining  
of Teachers

---

**ABSTRACT**

The article contains information on the essence of the Dual Education System in the educational institution and production, the basis of the principle of connection between theory and practice of education

*Keywords: professional education, integrated skills, practice, integration system.*

**INTRODUCTION**

Бугунги кунда профессионал таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш олдимизда турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Айниқса, жамият ва шахс тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган, келажак бунёдкорлари бўлган ёш авлодни тарбиялаш масъулияти юкланган таълим соҳаси муттасил янгиланиш, илғор ва инновацион ғоялар билан уйғун тараққий этишни талаб қиладиган соҳадир.

Шу маънода, касбий таълимда назарий маълумотларни амалиёт билан мустаҳкамлаш бўйича хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш давр талабидир.

Назария ва амалиёт интеграция тизими ўқитишнинг ишлаб чиқариш фаолияти даврлари билан уйғунлигини таъминлайди. Ўқувчи бир томондан, педагогика коллежларда (у назарий билимларни беради), иккинчи томондан, ушбу касбий компетентликни ошириш учун зарур бўлган ташкилотда амалий таҳсил олади. Ўқишни ишлаб чиқариш фаолияти билан бирлаштирган ёш мутахассисларнинг олинган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Германия дуал таълимни ташкил этишда тан олинган етакчи мамлакат ҳисобланади, бу ерда касб-хунар таълими тизими ривожланган мураббийлик, амалиётга йўналтирилган ўқув муассасаси ва кадрлар тайёрлашда бизнеснинг фаол иштироки билан ажралиб туради. Ушбу мамлакатнинг тажрибаси бутун Европа Иттифоқи учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Таълим назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик тамойилига асосланади. Агар биз интеграция тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, унда у касбий ўқув юртидаги назарий тайёргарликни ва ташкилотдаги ёки корхонадаги иш жойидаги амалий машғулотларни бирлаштиради. Ўқиш даврлари амалиёт вақтлари билан алмашади. Ушбу даврлар ўқувчининг олган мутахассислиги ва у ишлаётган корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил муддатларга эга бўлиши мумкин, аммо вақт ўлчови бўйича ўқитишнинг амалий қисми камида 50% бўлиши керак.

Профессионал таълими тизими учун - амалиёт базаларини олиш, битирувчиларни ишга олиш, рейтингни ошириш, таълим сифати, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш имконияти, ижтимоий шериклик, замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган иш жойлари; давлат ва жамият учун – малакали кадрлар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш; инновацион жараёнларнинг тезлашиши муҳим ҳисобланади.

Таълимда назария ва амалиёт интеграциясининг афзалликлари яққол кўриниб турибди, чунки бу шаклда ўқитиш ишлаб чиқариш эҳтиёжларига имкон қадар яқинлиги, бандликнинг юқори фоизи, турли

хил ўқув дастурларининг кўпайиши, талабанинг ҳар томонлама профессионал ривожланиши, касбни рағбатлантиришга олиб келувчи кўрсаткичдир.

## MAIN PART

Интеграция бугунги босқичда алоҳида лойиҳалар доирасида касбий таълим тизимига фаол равишда жорий этиб келинмоқда. Турли мамлакатларда дуал таълим тизimini амалга ошириш тажрибалари таҳлили уларнинг маҳаллий таълим тизими шарт-шароитларига, анъаналарига, миллий ўзига хосликларига мослаштирилишини талаб қилади. Бироқ, унинг асосий хусусиятлари – амалий-йўналтирилганлиги, жипс ижтимоий шериклик (давлат, иш берувчилар ва таълимнинг), таълим олувчи ёшларнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича устознинг етакчилик роли мазкур таълим тизимининг амалга оширилишидаги исталган вариацияларида ўзгармас бўлиб қолаверади.

Интеграциясиланган таълимни амалга ошириш меъёрий, ташкилий, ўқув-методик, кадрлар, диагностик таъминот масалаларининг минтақавий, ишлаб чиқариш, ҳар бир коллеж ва корхона-ташкilotлардаги мавжуд кадрлар ва моддий-техник ресурсларига мос ҳолда ишлаб чиқирилишини кўзда тутади. Ижтимоий шерикларнинг ўзаро ҳаракатлари муваффақиятлигига минтақавий иқтисодий тизимнинг юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланиши тўла ҳолда боғлиқ бўлади.

Биз амалга оширган анкета сўровномаси натижалари айниқса, амалиёт устозларининг психологик-педагогик фаолиятни долзарблаштириш заруратини белгилаб берди, бунда устоз олдида касбий кўникмаларни узатишдан ташқари яққол ифодаланадиган тарбиявий вазифалар ҳам кўйилади. Таъкидлаб ўтиш зарурки, психологик-педагогик тадқиқотлар таҳлили интеграцияланган таълим тизими учун устозлик фаолияти тизimini тадқиқ қилиш, шунингдек, устозларни тайёрлаш бўйича илмий-методик таъминот масалаларини илмий ўрганиш бўйича тадқиқотлар мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Бўлажак касб эгалари билан ташкilot-корхоналарлар иш берувчилари ўзаро муносабатларнинг янги механизмни йўлга кўйиш зарур, бу ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкilot этишдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, иш берувчиларнинг касбларга бўлган талабларини ўрганиш, янги иш вазифалари, зарур кўшимча компетенцияларни аниқлаш, меҳнат бозорини ҳисобга олган ҳолда кадрларни шакллантириш каби долзарб масалаларни бугунги кун талаби даражасида ҳал этиш зарур.

Бўлажак касб эгаларини интеграцияланган таълим тизими асосида ўқув-услубий ҳужжатлар, педагогик маҳорат асослари бўйича тайёрлаш, шунингдек, малака ошириш мақсадида коллеж ўқитувчилари томонидан корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ масалалари кўриб чиқиш кутилган натижани бериши шубҳасиз.

## CONCLUSION

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграция таълим тизими ўқувчи ўқув муассасасини тарқ этиш билан нафақат маълум мутахассис дипломига эга, балки ҳар қандай касбий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Корхона-ташкilotлар учун бундай мутахассисларнинг қийматини оддий битирувчилар билан таққослаб бўлмайди, улар ўрта махсус маълумотли бўлсаларда, юқори менеджерлар сифатида кадрлар захирасига номзодлар сифатида қатнашадилар.

Касбий таълимнинг бундай шакли давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишини таъминлайдиган назарий тайёргарлик даражасини сақлаб қолиш билан бирга муайян меҳнат функцияларини бажаришга мутлақо тайёр бўлган мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал қилишга

ёрдам беради. Малакали ва профессионал кадрларни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ташкилотлари ва педагогика коллежлари ўртасидаги ҳақиқий алоқани ўрнатиш керак.

#### **REFERENCES**

1. Югфелд Е.А. Дуал таълим тизими бўлажак мутахассиснинг муваффақиятли касбий ва ижтимоий мослашуви катализатори сифатида // Таълим ва фан. 2014. № 3 (112). 49-62 бетлар;
2. Сидакова Л.В. Таълимнинг икки томонлама моделининг моҳияти ва асосий хусусиятлари // Таълим ва тарбия. - 2016. - №2. - С. 62-64.
3. Терешченкова Е.В. Дуал таълим тизими мутахассислар тайёрлаш асоси сифатида // Концепция. - 2014. - № 04 (апрел). - АРТ 14087. - 0,4 бет. -